22 МАЙ 1991

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БОШ НАШРИ

● № 96 (10.092). ● 1991 йил 22 май ● чоршанба ● Баҳоси 8 тийин.

## РЎЗНОМАГА КЕЛГАН ХАТЛАРДАН

## ЁРДАМГА МУҲТОЖМАН

БИЗ турғунлик йиллари деб атаган 70-йилларда кўплаб пок виждонли кишилар не азобларга қолмади!

Мен ҳам Қарши Давлат педагогика институтини сиртдан ўқиб тугатгач, 8 йил бошланғич синфларда ўқитувчилик қилдим. Тил ва адабиёт фанидан сабоқ берган устозларимдан бири Денов район «Ғалаба учун» рўзномасида ишлаб юрган вақтида мени ҳам ёзиб туришга жалб этди. Шу тариқа район ва вилоят рўзномаларида мақолаларим чиқа бошлади.

Энг қийини мухбирнинг ўзи ишлаган жойдаги салбий ҳодисаларга муносабат билдириши экан. Мактабда умумтаълимга оид қарорлар бажарилмаётгани ҳақида ёзган эдим. Бу кимларгадир ёқмади. Оқибатда касб-корни ҳам, ўсиб улғайган воҳани ҳам тарк этишимга тўғри келди...

Деярли 15 йил рўзномаларга ёзмай қўйдим. Шу орада «Коммунизм тонги» ижодий жамоаси билан Янги Тошкент консерва комбинати ишчи-хизматчиларининг учрашуви баҳона комбинатда мухбирлар пости ташкил этилди. Шундан кейин яна ёза бошладим. Аввал «Коммунизм тонги» кейинчалик «Тошкент ҳақиқати» саҳифаларида материалларим, мақолаларим чиқа бошлади.

Жамоатчи мухбир ҳам ўз устида тинмай ишлаши зарур. Ҳозир ҳам кўп вақтимни турли нашрларни мутоала қилиш билан ўтказаман. 4 та рўзнома ва 3 та ойномага обунаман. Аммо турмуш шароитим... Ўз уй-жойим йўқ. Оржоникидзе район ижроия комитетидагилар мени алоҳида уй-жой билан таъминлашда ёрдам беришармикан!

Х. ОМОНОВ,
Янги Тошкент консерва комбинати ишчиси.

## ИТТИФОҚ ЗАРУР

ЯҚИНДА «Тошкент ҳақиқати» рўзномасида эълон қилинган Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Президенти И. А. Каримовнинг «Известия» рўзномаси мухбири билан: «Биз Иттифоққа не машаққатлар билан эришганмиз» сарлавҳали суҳбатини синчиклаб ўқиб чиқдим.

Бу суҳбатда муҳим масала, яъни, Иттифоқни сақлаб қолиш масаласи қўйилган. Бу ҳақда менинг ҳам фикрларим бор. Қайта қуриш ва ошкоралик шиори остида Ватанимизнинг етмиш йилдан ошиқ вақт мобайнида қарор топган хўжалик алоқалари бузилмоқда. Дунёда энг қудратли давлат бўлиб ҳисобланган буюк Совет давлатининг келажаги хавф остида қолмоқда. Мамлакатимиздаги корхоналар бир-бирига кўзга кўринмас занжирлар билан боғланиб кетган. Бир корхонада иш тўхтаса, у ўз навбатида бошқаларига ҳам таъсирини кўрсатади. Жонли мисол билан айтсам, шахтёрларнинг иш ташлашлари бизнинг жумҳуриятимизга ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Албатта мустақиллик керак. Лекин бу мустақиллик марказга қарши тусда бўлмаслиги зарур.

Иккинчидан, юқори ташкилотлар томонидан назоратнинг ҳам бўлиши шарт.

Социалистик жамиятимизда умумхалқ манфаати биринчи мавқени эгалласин. Ҳар қандай қонунлар ҳам ҳаракатларда ўз ифодасини топмаса у ҳеч қачон амалга ошмайди.

Одамларнинг эътиқоди ва амалий ҳаракатларида умумхалқ манфаатини кўзлаш керак.

Менинг фикримча, сунъий тақчилликлар халқимизни қийин аҳволга солиб қўймоқда. Бир қанча қонун лойиҳалари муҳокамадан ўтгач қабул қилинди. Депутатларни эса бир неча номзодлар ичидан танлаб сайлагандик. Амалда эса уларнинг самараси сезилмаяпти.

Чайқовчилик, жиноятчилик кўпаймоқда. Уларга зарба берадиган мустаҳкам куч етишмаяпти. Салбий ҳодисаларга қарши курашда партия, комсомол, касаба уюшмаси, халқ назорати, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар ягона ва қатъий ҳаракат қилишлари зарур. Қонун ва қарорларнинг қабул қилиниши ва уларнинг бажарилишини Олий Кенгашлар, уларнинг депутатлари ва ўзларига бўйсунувчи ташкилотлар раҳбарларидан ҳисоб олиш орқали қаттиқ назорат ўрнатишлари лозим.

О. ХУШВАҚТОВ.

## ЙЎЛОВЧИЛАР МАМНУН

ШАҲРИМИЗНИНГ Юнусобод даҳасидан Талабалар шаҳарчасига қатнаб ишлаётган ва ўқиётган кишиларнинг барчаси хурсанд. Негаки, анчадан бери орзиқиб кутган умидимиз рўёбга чиқди. Метронинг янги икки бекати ишга тушиши билан Юнусобод массивини Беруний метроси бекати билан боғлайдиган 9 маршрутли такси қатнови йўлга қўйилди.

Айниқса, унинг Талабалар шаҳарчаси орқали ўтаётгани қулай бўлмоқда. Бунинг учун биз рўзнома жамоасидан ҳам миннатдормиз. Чунки бу йўналиш бўйича янги маршрут қўйиш масаласини бундан салкам уч йил олдин «Тошкент ҳақиқати» (1988 йил 1 июнь)да кўтарганди. «Ҳал бўлади» деган мазмунда жавоб келди-ю, ваъда ваъдалигича қолиб кетганди. Мутасадди кишиларга яна эслатиб қўйиш мақсадида бу мавзуга иккинчи марта қайтиб, шу рўзноманинг 1990 йил 3 март сонида «Шуми, ваъдага вафо!» дея яна ёздик. Ниҳоят, талабимиз амалга ошганидан хурсандмиз.

Кўп сонли йўловчилар номидан ТошДД ходими:
А. СУЮНОВ.

## ДЎСТИ БОР ДОҒДА ҚОЛМАЙДИ

(ЖИГАРИСТОН ФОЖИАСИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ПРЕЗИДЕНТ НОМИГА КЕЛГАН МАКТУБЛАРНИ ЎҚИБ...)

Жигаристан қўрғони аҳли бошига тушган ногоҳоний фожиа Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва бутун мамлакатимиз фуқароларинигина эмас, балки чет эллик дўстларимизни ҳам ташвишга солиб қўйди.

Таъзия изҳор этилган мактубларнинг келиши ҳамон давом этмоқда. Афғонистон жумҳурияти Президенти Нажибулло, Эрон ислом жумҳуриятидан Абдулкарим Мусавий Ордабели, Вьетнам Социалистик жумҳурияти Вазирлар Кенгашининг раиси До Миойларнинг имзоси билан келган хатлар... Ҳамдардлик, эзгулик ҳисларига йўғрилган мактубларни барча ўқимоғи жоиз, деб ўйлаймиз.

Иқтисодий ёрдам юборилганлиги маълум қилинган мактублар ҳам оз эмас. СССР интурист давлат қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи И. А. Коновалов имзоси билан келган мактубда Жигаристон фондига 50 минг Америка доллари ўтказилгани хабар қилинади.

Олинаётган мактубларда инсоний меҳр-оқибат ва эзгулик туйғулари ўз ифодасини топган.

Ўзганлик қаҳрамон она Дилором Содиқова ёзади: «...Ўзбекистон жумҳурияти... Ислом Абдуғаниевич Каримовга! ...Жигаристонда ҳалок бўлганларга чуқур таъзия билдираман. ...Халқингизга тинчлик ва омонлик ёр бўлсин».

Ҳа, ер юзидаги мушфиқ оналарнинг қалблари ҳам, орзу-ниятлари ҳам бир хил бўлади. Онаизорлар бу фоний дунё машаққатларини кўп тортишади. Шунинг учун ҳам улар ер юзида ҳаёт осойишта бўлишини тилайдилар. Р. Тагор айтганидек, инсонни меҳнат эмас, балки кўпроқ фожиа ва руҳий азоблар емиради.

Жигаристонликларнинг қалблари титраб турган шу дамларда барча дўстларнинг мадади сезиляпти. Мана, стол устида улардан келган телеграммалар. Улуғ Ливия араб халқ социалистик жамахириясининг Тошкентдаги бош консули ал Мабрук ал-Ғамудий Умрон жумҳуриятимиз номига ёзилган таъзияномада шундай дейди: Сизга, марҳумларнинг оилаларига ўзимнинг чуқур ҳамдардлигимни изҳор этиб, оллодан уларга чидам ва бардош сўрайман.

Ўшликлар бошига тушган ўша ташвишли кунлар миллатлар ўртасидаги қадимий дўстликка раҳна сола олмади. Бу Президентимиз А. И. Каримовнинг яқинда ана шу вилоятда бўлган вақтида айниқса яққол намоён бўлди. Жигаристондаги фожиа муносабати билан улардан олинаётган мактублар ҳам самимий ва дўстона ҳамдардлик руҳи билан суғорилган.

Мазкур вилоятнинг Новқат ноҳияси «Маданият» жамоа хўжалиги аъзолари чуқур таъзия билдириш билан бирга бир кунлик қўшимча ишлаб топган пулларидан 40 минг сўмини Жигаристон жамғармасига ўтказдилар.

Хатларни ўқишни давом эттирамизу, кўз ўнгимиздан уларни ёзган меҳрибон инсонлар ўтабошлайди: Расул Гамзатов, Аскар Акаев, Қаҳҳор Маҳкамов, Сапармурод Ниёзов, Анатолий Иванович Лукьянов ва бошқалар... Бундай мактублар Самарқанд давлат дорилфунуни доценти Аслиддин Қамарзодадан, Ўзган шаҳридаги Қайрағоч маҳалласи аҳолисидан, Султон посёлкаси жамоа хўжалиги аъзоларидан ҳам келган.

Сиз ҳаммангиз бугун биз билан биргасиз, азиз дўстлар! Жумҳуриятимиз, бевақт шаҳид кетган ватандошларимиз қариндош-уруғлари бошига тушган фожиадан шунчалик қайғурганингиз учун кишилар сизга раҳмат дейишмоқда. Сизларнинг ҳамдардликларингиз қалб жароҳатига малҳам бўлмоқда. Вайроналар ўрнида янги Жигаристоннинг қад кўтаришига кўмаклашмоқда...

Янги Жигаристон эса кун сайин, соат сайин тикланмоқда. Биргина «Ташоблагрострой» қурилиш бирлашмасининг ўзи бу ерда 10 та тўрт ва беш хонали уйлар қуришга киришди. Ўнта механизациялашган кўчма колоннанинг ҳар бири биттадан уй қуриб беради. Пойдеворлар қўйилиб, уйлар қад кўтармоқда. Улар бу ерда унча узоқ бўлмаган хавф-хатарсиз ерда қурилаётир. Ҳимматли бинокорлар турар-жойларни давлат комиссияси белгилаган муддатдан анча илгари битказишга аҳд қилишган.

Ҳадемай янги уйлар калити эгаларига топширилади. Уларда янги ҳаёт бошланади. Ана шунда ўзбек одатига кўра, от босмаган жойларни тойлар боссин, деб остонага бахт рамзи — тақалар қоқилади...

Жигаристонга ана шундай хушвақт онлар келиши муқаррар.

П. НИШОНОВ,
ЎзТАГ мухбири.

## БИЗ ЁЛҒИЗ ЭМАСМИЗ

ҲУРМАТЛИ муҳарририят! Мана икки йилдирки, халқимиз авлоддан-авлодга ўтиб келаётган баҳор байрами — Наврўзни кенг нишонламоқда. Одамлар узоқ юртлардаги қариндош-уруғлари билан дийдор кўришдилар. Ўтганларни ёд этиб қабристонга бориб яқин кишиларнинг руҳларини шод этдилар. Ҳамма ерда шоду хуррамлик давом этди. Бундан беҳад хурсанд бўлдим.

Лекин бизни ана шундай улуғ айём кунларида на фарзандларимиз, на жигаргўшаларимиз йўқлаб келди...

Аммо яхшилар ҳали ҳам бор экан бу дунёда. Наврўзи айём кунлари гарчанд яқинларимиз, фарзандларимиз йўқламаса ҳам яхши одамлар ҳолимиздан хабар олишди. Мен II гуруҳ ногирониман. Оҳангарондаги қариялар уйига келганимга икки йил бўлди.

Тонг отиши билан ҳар бир инсон яхши ният, яхши кайфият билан бугунги кунига шукур қилиб худодан илтижолар тилайди. Қариялар уйида эса бошқача. Ҳар бир киши икки кўзини интизорлик билан йўлга тикади. Узоқ-узоқларга термулаверади, термулаверади... Кимнидир орзиқиб кутади. Кутаётган кишиси балки фарзандидир, балки қариндошидир, уларни кўргиси келади. Яна кимдир невараларини бағрига босгиси келади. Соғинчдан кўзларидан ёш тўкилади.

Ҳар куни шу аҳвол. Кунлар бир томчи сувдек ўтаверади. Лекин бағритош фарзандлардан, юзсиз қариндошлардан дарак йўқ. Пешонаси шўр ота-оналар умр бўйи фарзандим деб, уни ардоқлайди, авайлайди, тарбиялаб вояга етказади. Улар эса ақлини танигандан сўнг охир-оқибат оқ сут берган онасини, бошини силаб катта қилган отасини юзига тик қараб энди керак эмассан дейди. Мен бу гапларни бошқаларга ибрат бўлсин деб ёзяпман.

Ҳайрият, биз қарияларни йўқлайдиганлар ҳам бор экан. Халқимизнинг эсидан чиқмаган эканмиз. Ҳаммаси 14 март куни бўлган тантанадан бошланди. Эрталабки карнай-сурнай садоларидан уйғониб кетдик. Дастурхонга сумалак, кўк сомса, бориңгки, Наврўз ноз-неъматларининг ҳаммаси тортилди. Биз бир четда кузатиб турдик. Бегоналар қарияларга меҳр-шафқат кўрсатдилар. Шу куни Олмалиқ гўшт комбинати ходимлари 180 метрли гилам-поёндоз, рангли металлар заводи жамоаси эса 300 дона стул, палос тақдим этдилар.

Бундай хурсандчиликдан бошимиз осмонга етди. Чунки бу ердаги 260 нафар қариянинг кўпчилигини қалби жароҳатланган. Қанийди, уларнинг бағритош фарзандлари бироз бўлса-да бу ерга ташриф буюришиб кўнгилларини кўтаришса?!

Аксинча, ундай бўлмади. Улар бир четда худди цирк ўйинларини кўраётгандай «томошабин» бўлиб тураверишдилар. Бегоналарнинг бизга мурувват кўрсатаётганини ойнаи жаҳон орқали кўришган бўлса ажаб эмас. Зора, рўзномани ўқиб бизни қандай аҳволда яшаётганимизни билишса.

Майли, лекин биз ёлғиз эмасмиз. Қариялар уйининг директори Э. Оқиловнинг саъй-ҳаракатлари туфайли ҳамма бизга ёрдам қўлини чўзмоқда. Ватанимиз тинч бўлсин. Шунда ҳар кунимиз тўй бўлади. Шунинг учун ҳам бизга кимки ғамхўрлик қилаётган бўлса, ҳаммаларига миннатдорчилик изҳор қиламиз.

Абдулла ҲАИТОВ,
II гуруҳ ногирони.

Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан рўзномалар, ойномалар нархининг ошиши бизни унча оғринтирмаганди. Биз бу билан ҳеч бўлмаса почта хизмати яхшиланар деб ўйлагандик. Лекин баъзи жойларда яхшиланиш у ёқда турсин, алоқа бўлимлари ишни орқага тортиб кетишяпти.

Вилоятдаги Оржоникидзе районидаги «Коммунист» жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган алоқа бўлимига келтирилган рўзномалар, ойномалар бино эшиги олдида тарқатилаверади. Алоқа бўлимидагилар қулфкалитни йўқотиб қўйганмилар, ёки бу қандайдир бир «сирли» найрангми буёғи бизга қоронғу. Рўзнома, ойномалар кўчанинг ўзида ёйиб саралана-ди. Керак бўлса ўзингиз олиб кетаверасиз. Малика опа Маҳмудова Совет Армияси сафида хизмат қилаётган ўғли Асрор Маҳмудов юборган посилкасини ўн беш кундан бери ололмаётганидан нолийди.

Ушбу суратда алоқа бўлими ходимлари яратган нохуш манзара акс эттирилган.

Суратқаш Фазлитдин Абдурасул АЪЗАМ ўғли.

## СУРАТЛИ АЙБНОМА



## 100 ХИЛ ЎЙИНЧОҚ

● «Совпластитал» Совет — Италия қўшма корхонасининг ходимлари «Энг яхши нарсалар болалар учун» шиори остида меҳнат қилиб, кичкинтойларга мўлжалланган моллар турини янгилаш устида мунтазам иш олиб боришмоқда. Арслон «Бонифаций», айиқ «Топтигин», кучук «Тузик», фил, кўзойнакли илон, енот, чумчуқ, жами 20 хил ранг-баранг, пластизолдан пишиқ ишланган ўйинчоқлар илгари «СПИ» маркаси билан чиқариб келинган бошқа ўйинчоқлар қаторидан жой олди. Энди бу ерда 100 хил ўйинчоқ чиқарилмоқда.

(ЎзТАГ).

## ЖИГАРИСТОНГА ЁРДАМ

Жигаристонда рўй берган табиий офат Янги Ангрен ГРЭСига қарашли автокорхона жамоасини ҳам бефарқ қолдирмади. 170 кишидан иборат жамоа бир кунлик иш ҳақи — 2100 сўмдан ортиқ пулни ёрдам фондига ўтказишди. Ҳайдовчилар Нуриддин Мингбоев, Абдурауф Раимқулов, Нурилла Қораевлар эса табиий офатдан зарар кўрганларга амалий ёрдам беришга аҳд қилдилар.

Қ. ОДИНАЕВ.

*Президентнинг фармони қандай бажарилмоқда?*

## ЗОТЛИ БУЗОҚ КЕРАКМИ?

КЕЙИНГИ пайтларда жумҳуриятимиз президенти томонидан чиқарилган бир қатор халқчил фармонлар жамоатчилик томонидан яхши кутиб олинди. Ана шундай кўпчилик эътиборини ўзига тортган фармонлардан бири — ўтган йили май ойида чиқарилган аҳолини чорва ҳамда ем-хашак билан таъминлаш тўғрисидаги фармондир.

Ушбу фармон қабул қилинганидан сўнг жамоа ва шўро хўжаликлари ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда аҳолига сотиш учун қорамол, қўй ва парранда ажрата бошлашди. Шунингдек, бу чорва молларга етарли даражада ем-хашак етказиб бериш устида ҳам иш олиб борилмоқда. Булардан ташқари, аҳоли қўлидаги чорва молларга ўз вақтида зооветеринария хизмати кўрсатиш тўғрисида ҳам ўйлаш ва аниқ режалар асосида аҳоли манфаатини кўзлаб иш қилиш зарур. Хўш, бу соҳада қандай ишлар олиб борилмоқда?

— Биз,— дейди Тошкент райони бош ветеринар врачи Ғани ака Ортиқов, —шахсий хўжаликлардаги чорва моллари ва паррандаларнинг кўпайишини ва аҳолини муттасил назорат қилиб турибмиз. Шахсий чорва моллардан соғлом, зотли насл олиш муҳим аҳамиятга эгадир. Соғлом ва яхши насл келажакда маҳсулдор моллар туёғини кўпайтиришнинг энг ишончли ва қулай усули ҳисобланади. Шуларни назарда тутиб, ветеринария шифохонамиз қошида хонадонларга қарашли молларни юқори зотли буқалар уруғи билан сунъий урчитиш пунктини ташкил этдик.

Бу ишимиз яхши самара беради, деган умиддамиз. Хўжалик ҳисобида ишлайдиган зооветеринария пунктимиз кўмагида урчитиш йўли билан олинган насл, агар сигир бўлса 5000-6000 литр сут бериши, буқа бўлса 1 ёшида тирик вазни 350-400 килограмм тош босиши мумкин. Бундан ташқари қора молларни ҳар хил юқумли касалликларга чалинишининг олди олинади. Биз бунга тўла кафиллик берамиз.

Пункт Кўктерак қишлоғидаги район ветеринария шифохонасида жойлашган. Хизматимиздан фойдаланишни хоҳловчилар бўлса, эрталаб соат 7 дан 9 гача ва кечқурун 18 дан 20 гача мурожаат қилишлари мумкин. Бундан ташқари, бу ерда сиз молларни парвариш қилиш, уларни даволаш, наслчилик, зотдор бузоқларни боқиш ҳақидаги илмий тавсиялар билан ҳам танишасиз ва мутахассислар фикрини эшитасиз, — деди гапининг сўнггида Ғ. Ортиқов.

М. РИХСИЕВ.

## ИЖАРАЧИЛАР ДАЛАСИДА

● ЎТГАН йили Қурбонбой Мадраҳимов бошчилигида тўрт нафар деҳқон Серго номли совхоздан шартнома асосида 215 гектар ерни ижарага олиб, арпа дони экишган эди. Режа ортиғи билан бажарилиб, ҳар бирининг йиллик даромадлари 4371 сўмни ташкил қилди.

Ижарачилар бу йил сал кўпроқ — 252 гектар ерга арпа уруғи қадашди. Айни кунларда далада иш қизғин. Механизатор М. Холматов ва деҳқонлар Т. Нуруллаев, Ў. Хотамовлар униб чиққан ниҳолларни уюшқоқлик билан парвариш қилишмоқда. Ижарачилар жорий йилда гектаридан 20 центнердан ҳосил олиш учун бел боғлаганлар.

Т. ШЕРАЛИЕВ.
Оҳангарон райони.

*ТАСС ахбороти*

## КОСМИК КЕМА ТУТАШТИРИЛДИ

1991 йил 20 май куни Москва вақти билан соат 17 дан 31 минут ўтганда «Союз ТМ-12» космик кемаси учувчи бошқарадиган «Мир» комплекси билан туташтирилди.

Виктор Афанасьев, Муса Манаров, Анатолий Арцебарский, Сергей Крикалев ва Хелен Шармандан иборат Совет-Британия халқаро экипажи белгиланган ишларни бажаришга киришди.

Фазогирлар етти кун давомида илмий-техникавий ва тиббий-биологик тадқиқот ва тажрибаларнинг қўшма режасини бажарадилар. Парвоз давомида «Мир» станцияси тўққизинчи асосий экспедицияси экипажи ҳам алмаштирилади.

26 май куни Виктор Афанасьев, Муса Манаров ва Хелен Шарман «Союз ТМ-11» кемасида ерга қайтиб тушадилар, Анатолий Арцебарский билан Сергей Крикалев эса орбитада ишни давом эттирадилар.

### СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ПРЕЗИДЕНТИ МИХАИЛ СЕРГЕЕВИЧ ГОРБАЧЕВГА

Совет-Британия халқаро экипажи орбитадаги «Мир» илмий-тадқиқот комплексида биргаликда парвоз режасини бажаришга киришганлигини сизга маълум қиламиз.

Комплекс ичидаги системалар меъёрида ишлаб турибди. Беш космонатнинг барчаси ўзини яхши ҳис этмоқда.

**Орбитадаги «Мир» илмий-тадқиқот комплекси халқаро экипажининг командири Виктор АФАНАСЬЕВ**

### ОРБИТАДАГИ «МИР» ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ КОМПЛЕКСИ СОВЕТ-БРИТАНИЯ ХАЛҚАРО ЭКИПАЖИ — КОСМОНАВТЛАР ВИКТОР АФАНАСЬЕВ, МУСА МАНАРОВ, АНАТОЛИЙ АРЦЕБАРСКИЙ, СЕРГЕЙ КРИКАЛЕВ ВА ХЕЛЕН ШАРМАНГА

Сизларни орбитадаги «Мир» илмий-тадқиқот комплексида биргаликда бажариладиган ишларни бошлаганингиз билан самимий табриклайман.

Сизларнинг парвозингиз мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни янги юксакликларга кўтариш имкониятларини яққол намойиш қилмоқда. Сизлар Совет-Британия биринчи космик парвози иштирокчилари бўлиш шарафига муяссар бўлдингиз.

Сизларга биргаликдаги парвоз режасини муваффақиятли бажариб ерга эсон-омон қайтишингизни тилайман.

**Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президенти М. ГОРБАЧЕВ.**

### СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ МИХАИЛ СЕРГЕЕВИЧ ГОРБАЧЕВГА

Орбитадаги «Мир» илмий-тадқиқот комплексининг халқаро экипажи самимий табригингиз ва яхши истакларингиз учун Сизга чин қалбдан миннатдорчилик билдиради.

Сизни ишонтириб айтамизки, биз кўрсатилган ишончни оқлаб, биргаликдаги парвоз режасини муваффақиятли бажариш учун бутун билимимиз ва тажрибамизни ишга соламиз.

**Орбитадаги «Мир» илмий-тадқиқот комплекси халқаро экипажининг командири Виктор АФАНАСЬЕВ**

